



ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШ учун ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

Аввало, куйидаги ҳолатлардан сизнинг вазиятингизни энг яхши тасвирлайдиган ролни танлаб олинг:



Сизнингча, кимдир хафа қилган ёки сизга оғриқ етказган деб ўйлайсиз.



Сизнингча, Бир одам бошқа кишини (сизни эмас) хафа қилган деб ўйлайсиз.



Сиз кимнидир хафа қилгансиз ёки оғриқ етказгансиз.



Кимдир сизнинг олдингизга Икки киши ўртасидаги низо ҳақида гаплашиш учун келди. Лекин сиз ушбу низога аралашган кишилардан бири эмассиз.

Кейин, ҳолатингизга қараб, куйидаги қадамларни босинг...

Биринчи босқич

Вақт ажратиб, Худо билан суҳбат қилинг

Шу одам билан гаплашиш ёки гаплашмаслик ҳақида қарор қилмасдан олдин ибодат қилинг ва сизга тегишли қадамларни бажаринг.

Ғийбат қилманг



Бошқалар ҳақида ҳеч ким билан ноўрин гаплашманг. Ҳикматлар 16:28, 25:8-10, 26:20

Таҳлил қилинг



Муносабатдаги муаммонинг негизи нимада? Маданиятлараро фарқ сабабми? Ёки феъл-атворнинг ҳар хиллигими? Тушунмовчиликми? Ёки келишмовчиликми? Гуноҳ борми? Муаммонинг асосий сабаби қондирилмаган, ноаниқ ёки турли хил кутишлар бўлиши мумкин деб айта оласизми? Бу кутишлар тўғри, қонуний ва меҳр-муҳаббатга асосланганми? Ҳикматлар 23:23, Эфесликлар 4:25

Яхшилаб ўйлаб кўринг



Агар сизга етказилган хафачиликка кўз юма олсангиз, унда бу масалани яна очишингиз шарт эмас. Лекин у одамнинг хатоси қанчалик жиддий? Унинг хатти-ҳаракатлари ва сўзлари унинг ўзига ёки бошқаларга қандай салбий таъсир кўрсатиши мумкин? Бу хато Исонинг номига ёки жамоатга зиён келтирадими, Каломда гуноҳ деб ҳисобланадими? Бу хато фақат бир марталикми ёки одатий бўлиб қолганми? Етказилган оғриқ ва унинг оқибати қанчалик жиддий бўлса, у билан гаплашиш ҳақида ҳам шунчалик жиддий ўйлаб кўришингиз керак. Ҳикматлар 19:11, 1 Бутрус 4:8, Колосаликлар 3:12-14, Галатияликлар 6:1-2, Ёқуб 5:19-20, Титус 1:7-9, Матто 18:15, Филиппиликлар 2:2-4

Адолатли баҳо беринг



Сиз шошилиш хулоса чиқармадингизми? Иккала томонни ҳам эшитиб, холис муносабатда бўляпсизми? Воқеа билан боғлиқ қайсидир далилларни инкор қилмаяпсизми ёки бўрттирмаяпсизми? Ҳикматлар 17:15, 18:17; Левилар 19:15; 1 Тимўтий 5:21; Юҳанно 7:24; Матто 7:1-2

Ўз кўзингиздан ходани чиқариб олинг



Сиз ушбу муаммога оз бўлса ҳам қандайдир сабабчи бўлдингизми? Юрагингизда ёки онгингизда сизнинг ёки бошқа одамнинг муаммосини Худонинг нуқтаи назаридан тўғри баҳолашга халақит берадиган қандайдир гуноҳ борми? Матто 7:3-5, 1 Бутрус 2:1

Кечиринг



Сиз юрагингизда ва Худонинг олдида шу одамни кечирганмисиз? У тавба қилса, сиз унга “сизни кечираман”, дейишга тайёрмисиз? Исо мени кечирган. Мен ҳам уни кечираман. Уни ёмонламайман ва унинг хатоси ҳақида ҳеч кимга гапирмайман, деб айта оласизми? Сиз уни марҳаматлай оласизми?

Эфесликлар 4:31-32; Ҳикматлар 17:9; Колосаликлар 3:13; Филиппиликлар 4:8; Матто 6:14-15, 18:35

Доно маслаҳатчи билан суҳбатлашинг (Бу қадам шарт эмас, лекин қилишингиз мумкин)



Доно, бетараф одам сизга яхши маслаҳат бериши мумкин. Ҳикматлар 1:5, 12:15, 19:20

Ўз юрагингизни текширинг



Худодан юрак ниятларингизни сизга очиб беришини сўранг. Гаплашман ёки гаплашмайман, деб қандай ният билан қарор қилаяпсиз? Бошқа одамнинг олдида ғазаб билан ёки уни шарманда қилиш учун борманг. Ўзингизни оқлаш учун ҳам борманг. Лекин юрагингиздаги қўрқув, манманлик ёки бемехрлик сизни ўша киши билан гаплашингизга тўсқинлик қилмасин. Забур 138:23-24

Ўз қисмингиз учун тавба қилинг



Агар сиз ушбу муаммога озгина бўлса ҳам сабабчи бўлсангиз, Худонинг ва шу одамнинг олдида ҳам айбингизни тан олишга тайёр бўлинг. Камтар бўла оляпсизми? Шу одамни ҳурмат қила оласизми? Нотўғри қилган ишингиз ҳақида рост гапира оласизми? Агар шундай бўлса, ўзингизни оқлаш мақсадида баҳона изламанг. Бошқаларни айбламанг. Самимийлигингизни кўрсатинг. Гуноҳ қилган бўлсангиз, Каломдаги сўзлар билан тушунтиринг. Унинг дилини оғритганингизни тан олинг. Яна бошқа хафагарчилик келтирганмисиз ёки йўқми? Бу ҳақида ундан сўранг. Матто 5:23-24, 2 Коринфликлар 7:8-11, Ҳикматлар 28:13, Ёқуб 4:6

Ролингизни аниқланг



Шу одам билан ўзингиз гаплашсангиз яхшимми? Ёки бошқа одам у билан гаплашса яхшироқми? Ҳикматлар 26:17, Матто 7:12

Жавобгарлигингиз ҳақида ўйлаб кўринг



Агар у билан гаплашмасангиз, қандай оқибатлар бўлиши мумкин? У учун? Сиз учун? Бошқалар учун? Галатияликлар 6:1-2, Левилар 19:17-18, Ибронийлар 10:24

Сидқидилдан ўзингизни тайёрланг



Агар у киши билан гаплашишга қарор қилсангиз, шу ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг ўрнида бўлсангиз, сизга қандай муносабат қилишларини хоҳлар эдингиз? Бориб гаплашиш ҳақидаги режангиз ва ниятингизни қайта кўриб чиқинг. Матто 7:12, Галатияликлар 6:1, Ҳикматлар 25:8-10, Филиппиликлар 2:2-4



Кимдир, ўзаро низо тўғрисида гаплашиш учун келганида, аввало, айнан сиз унга ёрдам бера олишингизга амин бўлинг. Агар шундай бўлса, ибодат қилинг ва уларга низодаги ўз ролларини аниқлашларига ёрдам беринг. Кейин қуйидаги қадамларни бажаринг:

Ғийбат қилманг.

Бошқа одамлар ҳақида ҳеч ким билан ноўрин гаплашманг.
Ҳикматлар 16:28, 25:8-10, 26:20

Ҳолис бўлинг.

Бу одамга бошқа тарафнинг нуқтаи назарини тушунишига ёрдам беринг. Меҳр билан гаплашинг ва йўл-йўриқ кўрсатинг. Ҳикматлар 18:17, Эфесликлар 4:15, 1 Тимўтий 5:21

Донолик билан маслаҳат беринг.

Биринчи босқичдаги уларнинг ролига тўғри келадиган қадамлар ҳақида гаплашинг ва йўл-йўриқ кўрсатинг. “Худодан келган донолик эса, аввало покдир. Шунингдек, бу асл донолик тинчликсевар, мулоим, ҳақиқатга бўйсунадиган, меҳр-шафқатли, хайрли ишларга бой, тарафкашлик қилмайдиган, ўта самимийдир.” Ёқуб 3:17

Барча имонлиларнинг муносабатлари учун Худонинг истаклари

- Ўзаро **тинч-тотув** яшанглр. (Марк 9:50)
- Бир-бирингизни **севинглр.** (Юҳанно 13:34)
- Бир-бирингизни биродарларча, **чуқур муҳаббат билан** яши кўринг. (Римликлар 12:10)
- Бир-бирингизни **ҳурмат** қилиб, ўзингиздан юқори кўринг. (Римликлар 12:10)
- Ўзаро **ҳамфикр бўлинглар.** (Римликлар 12:16)
- Бир-биримизни **ҳукм қилмайлик.** (Римликлар 14:13)
- Бир-бирингизни биродарлардай **қабул қилинг.** (Римликлар 15:7)
- Бир-бирингизга **таълим беринг.** (Колосаликлар 3:16)
- Бир-бирингизга **насиҳат қилинг.** (Колосаликлар 3:16)
- Бир-биримизни **руҳлантирайлик.** (Ибронийлар 10:25)
- Бир-бирингизга **ҳизмат қилинглар.** (Галатияликлар 5:13)
- Бир-бирингизни **қўллаб-қувватланглр.** (Галатияликлар 6:2)
- Камтар ва мулоим бўлиб, бир-бирингизга нисбатан **сабр-тоқатли бўлинглар.** (Эфесликлар 4:2)
- Бир-бирингизга нисбатан **кўнгилян ва меҳр-шафқатли бўлинглар.** (Эфесликлар 4:32)
- Бир-бирингизни **кечиринглр.** (Эфесликлар 4:32)
- Бир-бирингизга **бўйсунинглр.** (Эфесликлар 5:21)
- Бир-бирингизга **ёлғон гапирманглр.** (Колосаликлар 3:9)
- Бир-бирингизга **далда беринглр.** (2 Коринфликлар 13:11)
- Бир-бирингизга **куч ва ғайрат бағишланг.** (1 Салониқаликлар 5:11)
- Бир-бирингизни **ёмонламанглр.** (Ёқуб 4:11)
- Бир-бирингиздан **шикоят қилманглр.** (Ёқуб 5:9)
- **Қилган гуноҳларингизни** бир-бирингиз олдида **тан олинглар.** (Ёқуб 5:16)
- Бир-бирингиз учун **ибодат қилинглар.** (Ёқуб 5:16)
- Биродарларимиз билан **уйғунликда яшайлик.** (1 Юҳанно 1:7)
- Бир-бирингизга **далда беринг.** (1 Салониқаликлар 4:18)
- Бир-бирингизга **яхшилик қилишга интилинг.** (1 Салониқаликлар 4:18)
- Бир-биримизни **гижгижламайлик.** (Галатияликлар 5:26)
- **Бошқаларни ўзингиздан юқори деб билинг.** Фақат ўзингизнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзланг. (Филиппиликлар 2:3-4)

Иккинчи босқич

Зарурат бўлганда, шу одам билан учрашинг

(Тўлиқ тинчликка эришиш учун, балки бир неча марта учрашингизга тўғри келади.)



▲ **Меҳр билан муносабат қилинг.** Агар сиз унинг ўрнида бўлсангиз, қандай учрашув хоҳлар эдингиз? Унга қулай вақтда, унга қулай жойда ва ёқимли кайфият билан бориб учрашинг. Матто 7:12, Галатияликлар 6:1, Ҳикматлар 25:8-12

▲ **Тингланг.** Эшитишда чаққон, гапиришда вазмин, ғазаб келганда оғир бўлинг. Самимий эътибор билан эшитинг. Ёқуб 1:19; Ҳикматлар 18:17, 25:12

▲ **Худоба маъқул келадиган гап-сўзлар ишлатинг.** “Мен” деб гапиринг. Айбловчи сўзлар ишлатманг. Хотиржамлик билан юмшоқ муомала қилинг, дўқ-пўписа билан эмас. Ҳар қандай хафагарчилигингизни Каломдаги сўзлар билан ифодаланг. Эфесликлар 4:29; Ҳикматлар 15:1, 25:11-12

▲ **Кечирим беринг.** Агар киши гуноҳини тан олиб тавба қилса, шахсан кечирим беринг. Луқо 17:3-4

◆ **Самимийлик, камтарлик ва ҳурмат билан иқрор бўлинг.** Батафсил гапиринг ва ростгўй бўлинг. 2 Коринфликлар 7:8-11, Ҳикматлар 28:13

◆ **У одам сизни кечирса, сизга берилган кечиримни қабул қилинг.** 1 Юҳанно 1:9

◆ **Сиз қилишингиз мумкин бўлган ҳар қандай хатоларни тўғриланг.** Матто 3:8, Ибронийлар 12:11, Галатияликлар 6:7-8

НИМА УЧУН ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШИМИЗ КЕРАК?

- Тинчлик ва бир-бирингизни мустаҳкамлашга олиб келадиган ҳаракатларга **интилинг.** Римликлар 14:19
- Ҳамма билан тинч-тотув яшашга **ҳаракат қилинглар.** Ибронийлар 12:14
- Ўзаро тинч-тотув яшаб, Муқаддас Рух ато қилган бирдамликни сақлашга **жон куйдиринглр.** Эфесликлар 4:3
- Агар иложи бўлса, **қўлингиздан келганича,** барча одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечиринглр. Римликлар 12:18

ТИНЧЛИККА ИНТИЛИШ: БЕШТА АСОСИЙ ПРИНЦИП

- 1 Худо сизни ҳамма инсонлар билан тинч-тотув бўлишингизни хоҳлайди.
- 2 Одамлар билан қандай муносабатда бўлишингиз Худо билан бўлган муносабатингизни акс эттиради ҳамда унга таъсир қилади.
- 3 Ҳар бир инсонга ноёб шахс, Худонинг ижоди ва севиклиси каби муносабатда бўлинг.
- 4 Ҳар бир инсонга ҳукм қилмасдан ва холис, бир хил муносабатда бўлинг.
- 5 Агар сиз Каломдаги принциплар бўйича тинчлик ўрнатишга интилсангиз, ҳар қандай инсон марҳамат топади.

